

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"MY-INSURANCE" AJ sug'urta tashkiloti

Объявление

"MY-INSURANCE" AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG'URTA TASHKILOTI

ИМТИЁЗЛИ ХУҚУҚ ТЎҒРИСИДА

«MY-INSURANCE» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

«MY-INSURANCE» АЖ (кейинги - ўринларда Жамият) Кузатув кенгашининг 2023 йил 2 ноябрдаги қарорига мувофиқ номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 10 000 000 дона оддий акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи томонидан 2024 йил 15 январь куни P0941 - 3 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-36 - моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2023 йил 2 ноябрь ҳолатига шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар **1 000 (бир минг)** сўм қийматда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Акциядорлар акциялар учун тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Жамият акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

A/35 050 000=B

10 000 000*B=C

Шунда:

35 050 000 – Жамият устав капиталидаги умумий акциялар сони;

10 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;

A – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги акциялари сони;

B – Жамият устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони;

C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинadиган акциялар сони.

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса, қўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун Жамиятга мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 71 205 19 19

16.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16663/>

Дата: 07.05.2026